

Ташкент Оқшом

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 181 (11.992)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар бошлиқларидан самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

● Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида бешта янги корхонанинг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Барча корхоналар замонавий, юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, жаҳон бозорида рақобатбардош ва ички бозорда харидоргир бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга. Хорижий сармоядорлар орасида Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва Сингапурнинг йирик компаниялари бор.

● Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш тартиби ва амалиёти» мавзусида семинар ўтказилди. Унда мутасадди вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг юридик хизмати ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида мавжуд 160 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яна 20 та кўшилди. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида тижорат банкларининг филиаллари уларга 285 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратди. Янги корхоналар кенг йўналишдаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаради.

ЖАҲОНДА

● Бразилия ва Россия ўзаро ҳисоб-китобларда миллий валюталардан фойдаланиш юзасидан келишиб олмақда.

● Кеча Доғистоннинг Хасавюрт шаҳрида амалга оширилган махсус операция чоғида ҳақаллий жангарилар гуруҳининг раҳбари Ибрагим Мухудчиев йўқ қилинди.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ливандаги тинчликпарварлик миссияси (UNIFIL) мандатини яна бир йилга узайтирди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг жорий йил 27 май ва 26 июлда тинчликпарвар кучларга қарши уюштирилган ҳужумни қатъий қоралаши миссиянинг узайтирилиши тўғрисидаги баёнотда алоҳида қайд этилган. Мазкур кўнгилсиз воқеа натижасида италиялик ва франциялик 12 нафар ҳарбий хизматчи жароҳатланган.

● Грециянинг Eurobank ва Alpha Bank банклари ўзаро бирлашишларини эълон қилди. Янги пайдо бўладиган банк нафақат Грецияда, балки Жануби-Шарқий Еуропада ҳам энг йирик молиявий муассасага айланади. Банкларнинг умумий активлари қарийб 146 миллиард еврони ташкил этади.

● Покистонда рўй берган кучли сув тошқинлари натижасида 88 киши ҳаётдан кўз юмди, 8 миллионга яқин кишилар хавфсиз жойларга кўчирилди.

● Япониянинг жанубий музофотларига Talas тўфонининг хуружи натижасида 27 киши ҳалок бўлди, 50 га яқин одам эса бедарак йўқолди. Тоғли жойларда 3,5 минг киши ташқи дунёдан узилиб қолди.

Ташкент Фотосуратлар уйида «Ўзбекистон хорижликлар нигоҳида» мавзусидаги фотокўргазма очилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Бадий академия, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, мусаввирлар ва фото усталари, санъат иҳлосмандлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раисининг ўринбосари Р.Миртожиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мустақиллик йилларида бой тарих ва меросимиз, санъат ва маданиятимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ҳаётимизнинг асосий қоидага айланганини таъкидлади. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида иқтисодийетимиз барқарор ривожланиб, аҳоли фаровонлиги муттасил ортиб боришига эришилмоқда. Барча жабҳалардаги улкан ўзгариш ва марралар юртимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.


Бу жиҳатлар мазкур кўргазмада акс этган Аргентина, АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Исроил, Италия, Эрон, Канада, Португалия, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Озарбойжон, Россия, Руминия, Франция, Украина сингари мамлакатлар фотоижодкорларининг уч юздан зиёд суратларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ўзбекистондаги гўзал манзаралару улкан ўзгаришлардан таъсирланмаслик, илҳомланмасликнинг сира иложи йўқ, дейди бельгиялик фотоижодкор Сесил хоним Хуберт. Биргина фотосуратда акс этган ижтимоий объект, бинолар, сўлим манзаралар, фавворалар ёки кишиларнинг бахтиёр чеҳрасида яратувчилик меҳнати, эътибор ва ғамхўрлик муҳассамдир.

Италиялик фоторассом Клаудио Маркоцчининг айтишича, Ўзбекистонга бир марта келган хорижлик сайёҳ умрбод шу юртга мафтун бўлиб қолади. Диёригимиздаги бетакрор маънавий муҳит кишининг касбу коридан қатъи назар, фотокамера ёрдамида ёрқин ва унутилмас лаҳзаларни тасвирга олишга ундайверади.

ЎЗА муҳбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғи реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧГАН ФАЙЗЛИ БОҒ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, халқимизнинг хордиқ чиқариши учун зарур барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Ҳужжатга кўра, юртимизда маданият ва истироҳат боғларини босқичма-босқич тубдан таъмирлаш, замонавий аттракционлар билан жиҳозлаш юзасидан қатор амалий чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимига ўтказилган Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғида ҳам кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилди. Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш комплексининг мутахассислари томонидан боғда тўрт минг туп манзарали дарахт, арча, анвойи гуллар ўтказилди. Ариқлар тозаланиб, мўъжаз ховузчалар, мусиқали фавворалар барпо этилди. Йўл ва йўлаклар қайта асфальтланиб, бар-

ча қулайликларга эга болалар майдончаси қурилди.

Шунингдек, уч минг томошабин учун муҳалланган амфитеатр барпо этилди. Маданият ва истироҳат боғи директорининг ўринбосари Фаррух Худоёровнинг таъкидлашича, боғдаги барча аттракцион ва кўнгилочар ўйин қурилмалари илҳам, қулай ва замонавий тарзда, санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, жамоат тартиби талабларига риоя этган ҳолда ўрнатилган. Яна иккита янги аттракцион олиб келинди.

Туманимиздаги 58 маҳаллада 320 мингдан зиёд аҳоли истикомат қилади, дейди Олмазор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муқаддам Расулова ЎЗА муҳбирига. Ушбу боғнинг замонавий асосда реконструкция қилиниши, айниқса, кўп қаватли уйларда истикомат қилувчи аҳолининг мароқли дам олиши, ёшларнинг бўш вақтини унумли ташкил этиш, турли маърифий-маданий тадбирларни ўтказишда муҳим аҳамиятга эга.

Янги боғда мустақиллик байрамига бағишлаб «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» мавзусида маърифий тадбирлар, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концертлар, халқ сайиллари, болалар ижодиёти кўргазмалари ташкил этилмоқда.

Назокат УСМОНОВА

Эл-юртимиз осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшишни касб сифатида танлаб, шу йўлда садоқат билан хизмат қилаётган ёшларимиз сафи кенгайиб бормоқда.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁДИ

Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида ана шундай ёшлар тахсил олаётди. Бу йил ҳам мазкур даргоҳга ҳар томонлама чиққан ва билимли ўғлонлар ўқишга қабул қилинди. Энг улғу, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик куни билим юртининг биринчи босқич курсантлари халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, билим юрти раҳбарияти ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган мазкур маросимда Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимиз Қуроли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани, ҳарбий

қисм ва билим юртларида ёшлар учун барча зарур шарт-шароит яратилгани алоҳида таъкидланди.

Ватанимиз сарҳадлари мустақам ва хавфсиз бўлса, оиламизда, маҳалламизда, мамлакатимизда тинчлик барқарор бўлади, дейди жорий йилда мазкур олий ҳарбий ўқув юрти курсантлари сафига қўшилган фарғоналик Санжар Тешабоев. Бугун мен учун ҳаётимда энг унутилмас кун – қасамёд қабул қилдим. Бу аҳдимга бир умр содиқ бўлиб қоламан.

Шу кун пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд» ҳайкали пойида Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети биринчи курс курсантларининг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тегишли вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари, курсантларнинг ота-оналари иштирок этган мазкур тадбирда ҳарбий билим юртларида офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳарбий касб нуфузини юксалтириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга ошириляётгани ёшларнинг соҳага бўлган қизиқиши ва интилишини ошираётгани таъкидланди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида асосан ҳарбий алоқачилар тайёрланади. Мазкур билим даргоҳида жорий йил ўқишга қабул қилиниб, халқимизга, Президентимизга содиқ бўлишга оид ичган бўлғуси офицерларнинг келгусида етук профессионал кадрлар сифатида шаклланиши учун барча шарт-шароит яратилган.

(ЎЗА)

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **АЛИШЕР** Навоий мажмуасида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

✓ **МУКИМИЙ** номидаги ўзбек давлат

мусиқали драма театрида бўлиб ўтган «2011 йилнинг энг яхши шифокори», «Йилнинг энг яхши поликлиникаси», «Йилнинг энг яхши касоба уюшма кўмитаси» кўрик-танловлари шаҳар Соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшма Кенгаши томонидан ташкил этилди.

✓ **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Олимпия умидлари» спорт комплексида ўтказилган «Спорт – гўзаллик ва саломатлик рамзи» шиори остидаги мусобақада тадбиркор аёллар спортнинг аркан тортиши, узунликка сақраш, мерганлик ва бошқа турлари бўйича ўзаро беллашишди.

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИМИЗ ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА

Ўзбекистон Республикасини мустақиллик йилларида иқтисодий - ижтимоий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари тўғрисидаги статистик тўплам чоп этилди

Энг улуг, энг азиз байрам – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари» статистик тўпланини нашрдан чиқарди.

Мазкур тўпламда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш натижалари атрофида таҳлил қилиниб, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизация қилиш борасидаги энг муҳим ютуқлар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов китобхонларга муносабатида, шу йиллар давомида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканми, Ўзбекистонни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш бўйича эришилган марралар ва натижаларни ҳолисона баҳолаш, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларида қандай ҳаётда бўлгани, иқтисодиётимиз ривож ва халқимизнинг турмуш даражаси қандай суръатлар билан охиш борганига танқидий назар ташлаш зарурлигини таъкидлайди.

Истиклол йилларида Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш суръатлари - иқтисодиётнинг мафкурадан ҳолилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўзиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга оширишдан иборат беш машур тамойилга асосланган марказлаштирилган-режалли бозор иқтисодиётидан ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича «Ўзбек модели»нинг нечоғли самардорлиги, тўғрилиги ва ҳаётийлигини яққол намоян этди.

Тўпламда аниқ кўрсаткич ва фактлар воситасида йигирма йиллик мустақил ривожланиш даврида қанча қийинчиликлар, муаммолар, таҳдид ва синовларнинг энгиб ўтишга тўғри келганига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодиётда изчил ўсиш суръатлари ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт сифати ва даражасини ошириш бўйича кенг кўламли ва бир-бири билан ўзаро боғлиқ туб ўзгаришлар ҳаётга изчил татбиқ этилгани аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Бу ўринда йигирма йил мобайнида республика ялпи ички маҳсулоти харид қилиш қобилияти бўйича 3,4 баробар, яъни 27,1 миллиард доллардан 92,3 миллиард долларга, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 3 баробар ошганини айтиб ўтиш қиёфа.

Тўпламда республикамизнинг етакчи тармоқлари ва умуман иқтисодиётини ривожлантириш тенденциялари, унинг таркиби ва бошқарув тизимидаги сифат ўзгаришлари таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилган. Мустақиллик йилларида тизимли таркибий туб ўзгаришларнинг изчил амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама, асосан хомашё етказиб бериш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига йўналтирилган мамлакатдан иқтисодиётнинг замонавий индустриал сектори, юқори технологияли тармоқлар ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш алоҳида ўрин тутадиган, диверсификациялашган ишлаб чиқариш тузилмасига эга давлатга айланди.

Шу давр мобайнида ялпи ички маҳсулот таркибида sanoat улуши 17 фоиздан 24 фоизга, хизматлар улуши 34 фоиздан 49 фоизга ошди. Автомобил-созлик, нефть-газ-кимё, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат ва тўқима-чилик sanoati каби янги иқтисодиёт тармоқлари ташкил қилинди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибида чуқур ислохотларнинг амалга оширилиши, ердан фойдаланишнинг ижара шаклига асосланган бозор муносабатларига ўтиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг замонавий инфратузилмасини ташкил этиш гафла мустақиллигига эришиш ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши умумий ҳажмини 1,8 баробар ошириш имконини берди. Натижада истиқлол йилларида барқарор пахта етиштиришни таъминлаш билан бир

вақтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибида пахтанинг улуши 47,7 фоиздан 11,1 фоизга камайди, галла етиштириш ҳажми 3,7, гўшт етиштириш 1,9 баробар ўсди.

Тўпламда истиқлол йилларида Ўзбекистонда мутлақо янги банк-молия тизими яратилгани акс эттирилган. Солиқ юкни изчил камайтириш, эркин тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга қаратилган солиқ сиёсатининг амалга оширилиши 2005 йилдан бошлаб дефицитсиз давлат бюджетини шакллантиришни таъминлаш билан бирга иқтисодиётни барқарор ва жадал ривожлантириш, хўжалик субъектлари даромадини ошириш ҳамда уларнинг инвестиция жараёнида фаол иштирок этишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Шу йиллар мобайнида кўплаб солиқ ставкалари 1,5-2 баробарга камайтирилди, давлат бюджети таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун сарфланганига харажатлар улуши мустақиллик йилларида 31,5 фоиздан 59 фоизга кўпайди.

Тўпламда мамлакатимиз банк тизимини ривожлантириш бўйича келтирилган кўрсаткичлар йигирма йил ичида кенг тармоқли тижорат банклари ташкил этилгани, уларнинг капитали ва ресурс базаси узлуқсиз кўпайиб бораётгани, инвестиция фаолиятида банк тизимининг иштироки кенгаётгани, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортаётгани натижасида банкларда депозитлар ўсаётганидан эркин далолат беради. Айтиш лойиқки барча кредитларнинг 75 фоиздан ортигини янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил қилади. Ўзбекистон банклари етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган барқарорлик рейтинглари уларнинг юқори даражада молиявий мустақамлигини тасдиқлайди.

Қулай инвестиция муҳитини яратиш ва фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилга айланди. Бу эса, ўз навбатида, истиқлол йилларида ҳар йили ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмини 11,6 баробар ошириш, молиялаш манбалари ва фойдаланиш йўналишлари бўйича уларнинг таркибининг сифат жиҳатидан ўзгаришлари имконини берди. 1990 йилда барча инвестицияларнинг 46,3 фоизини давлат бюджети маблағлари ташкил этган бўлса, 2010 йилда жами капитал қўйилмаларнинг 57,9 фоизини марказлаштирилмаган манбалар, 29,1 фоизини эса хорижий инвестициялар таъминлади. Бундан ташқари, шу давр мобайнида ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларнинг 58,3 фоиздан 73,5 фоизга кўпайди. Мустақиллик йилларида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи, Асака ва Самарқанд шахарларидаги автомобиль заводлари каби йирик sanoat объектилари, автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарадиган хорижий инвестициялар иштирокидаги йигирмадан ортиқ корхона, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари ва кўплаб бошқа корхоналар фойдаланишга топширилди.

Тўпламга киритилган материалларда истиқлол йилларида республикамизда жох хўжалик алоқлари тизимида босқичма-босқич боргани акс этган. Шуни унутмаслик керакки, сўнгги йигирма йил ичида жох иқтисодиёти қатор таназзуллар, жумладан, 1997-1998 йиллардаги жох молиявий инқирози, фонд ва товар бозорларидаги кўплаб кескин пасайишлар, шунингдек, 2008 йилда бошланган ва айти пайтача давом этаётган жох молиявий-иқтисодий инқирозини бошдан келчирди. Бироқ ушбу мураккаб шароитларда ҳам бизнинг ёш иқтисодиётимиз ташқи таъсирларга нисбатан ўзининг мустақамлиги ва барқарорлигини намойиш қилди. Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда

амалга оширилиши ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ҳамда экспортчи корхоналар рақобатбардошлигини ошириш учун янги имкониятлар яратди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси 27,1, шу жумладан, экспорт ҳажми 29,6 баробар ошди, шу давр ичида ташқи савдо айланмаси ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6 фоиздан 56,1 фоизгача ўсди. Ўзбекистон асосан хомашё етказиб бериб, тайёр маҳсулот олиб келинадиган мамлакатдан ишлаб чиқаришларни техник ва технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологик асбоб-ускуналарни четдан олиб келиб, экспортга юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар чиқарадиган давлатга айланди.

Тўпламда келтирилган мустақиллик йилларида республикани иқтисодий ривожлантириш суръатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларида илгари сурилган ва бозор иқтисодиётининг асоси ҳисобланган хусусий мулк устуворлигини мустақамлаб берган хусусий мулк тузилмасидаги туб ўзгаришлар мамлакат иқтисодий салоҳиятини очиб бериш, аҳоли кенг қатламларининг иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим омил бўлди. Кенг кўламли хусусийлаштириш жараёнини амалга оширилиши натижасида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда, иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллади. Ялпи ички маҳсулотнинг 52,5 фоизини ишлаб чиқараётган ва жадал ривожланиб бораётган кичик бизнес ҳақли равишда мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришда етакчи роль ўйнамоқда.


Тўпламда келтирилган статистик кўрсаткичлар, рақам ва фактлар таҳлили ижтимоий соҳа, аҳолининг ўртача умр кўриши ва турмуш даражасидаги ижобий ўзгаришлар истиқлол йилларида мамлакатимизни туздан ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама пухта ҳамда чуқур ўйланган дастурни амалга ошириш самаралари эканини ифода қилади.

Мустақиллик йилларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, соғлиқни сақлаш тизимини комплекс ислох қилиш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг ўртача умр кўриши 67,2 ёшдан 73,1 ёшга узайди, оналар ва чақалоқлар ўлимнинг барқарор равишида уч баравардан ортиқ камайишга эришилди.

Шу даврда аҳоли жон бошига реал пул даромадларини, аввало, хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятидан олинмаган даромадлар эвазига, 3,7 баробар ошириш таъминланди. Айтиш пайтача хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятининг олинмаган даромадлар аҳоли умумий даромадининг 47 фоизини ташкил этмоқда. Даромадларнинг ошиши билан бир қаторда аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди, жон бошига ўртача гўшт, суг, сабзавотлар, картошка, мевалар каби муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўпайди. Сифатли ноозиқ-овқат товарларидан фойдаланиш, айниқса, мураккаб маший техника, компьютерлар, автомобиллар, шунингдек, турли хизматлар билан таъминланганлик даражаси ҳам ўсди. Бунга ўтган йиллар давомида кенг турдаги истеъмол товарларини ўзимизда ишлаб чиқариш ва маийши хизматларини ташкил этиш, яъни уларни тегишли равишда 4,7 ва 8,3 баробарга ошириш ҳисобига эришилди.

Мустақиллик йилларида таълим тизимини туздан модернизация қилиш имконини берган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишига айланди. 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш, 1,5 мингдан ортиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни барпо этиш иқтисодиёт тармоқлари учун зарур бўлган мутахассислар бўйича юқори маънавий кадрлар тайёрлашнинг таъминламоқда.

Тўпламда истиқлол йилларида қўлга киритилган яқунлар ва натижалар таҳлили билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган



Озод ва обод юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби, пойтахтимиз маҳаллаларида ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигини қўлга киритган тарихий сана — Энг азиз, энг улуг байрамимиз Истиклолимизнинг қутлуғ 20 йиллиги шодиёнлари шуқуҳи кезмоқда. Уни пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги буюк Соҳибқирон бобомиз — Амир Темурнинг муборак номлари билан аталувчи маҳалла мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Тадбирлар ҲАР ДИЛДА АЙЁМ ШУҚУҲИ

Мустақиллигимизнинг муборак 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган маросим ўз файзу таровати ила унинг қатнашчилари қалбига бир олам қувонч бағишлади. Тадбирни кириш сўзи билан очган Амир Темур маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган sanoat ходими Ёқуб Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор Фуломжон Зокиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Солиҳ Ёқубов, «Маҳалла» жамағатаси туман бўлими раиси Суҳбатилла Мухамедов ва бошқалар Истиклол берган буюк неъматлар, мустақиллик йилларида амалга оширилган беқиёс ўзгаришлар ҳақида, юртимизда қарор топган тинчлик ва осудалик қадрини хусусида тўлқинланиб гапирдилар.

Тўқин дастурхон атрофида тўпланган меҳмонларнинг дил тўрида, қалб изҳорларида буюк ва муқаддас мустақил Ватанимиздан фахр ва ифтихор туйғулари йўғрилган эди.

— Бугунги шодиёнадан кўнглим бир олам қувончга тўлди, — дейди таниқли шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муқаддас Абдусаматова. — Мен бугун ўзимни хур ва обод, мафтункор юртимизнинг йигирма ёшга тўлган сулув келинчагидек ҳис қилмоқдам. Шундай кунларга етказганига шукроналар айтдим. Истиклолнинг қутлуғ 20 йиллиги шарафига таъсис этилган «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан тақдирланганимдан бошим осмонга етди. Бу муқофот биз каби иход аҳлини она юртимизни мадҳ этадиган янги асарлар яратишга даъват этади, албатта.

— Мен Ўзбекистондек кўп миллатли, меҳмондўст мамлакат фуқароси эканлигим билан бир умрга фахрланаман, — дейди меҳнат фахрийси Григорий Айрапетянц. — Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ва қиллари аҳил, иноқлида яшаётганлигига бутун дунё қойил қолмоқда. Хусусан, биз истиқомат қилаётган Амир Темур маҳалласида ҳам турли миллат вақиллари умргузаронлик қилиб, Истиклол берган неъматлардан баҳраманд бўлмоқда, юртимиз равақи ва фаровонлиги йўлида фидоқорона меҳнат қилмоқда.

Бундай дил сўзларини ушбу маросимда қатнашган ҳар бир иштирокчидан эшитиш мумкин эди. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулфия Расулий, хотин-қизлар кенгаши раиси Азизахон Усмонова, маҳалла фаолларидан Жасур Мирқамоллов, Борис Чумаченко, Дилором Каримовалар Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Истиклолнинг қутлуғ 20 йиллигига пухта тарадуд билан келинганлиги, маҳаллада кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилганлиги, қутлуғ байрам арафасида маҳаллада истиқомат қилаётган нуруний отахон ва онахонлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларга ҳомийлар томонидан ажратилган совға-саломлар топширилиб, уларнинг дилларида бир олам қувонч бахш этилганини алоҳида таъкидладилар.

«Ғиждувон» тўй ва маросимлар масканида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилган тадбир ҳар бир иштирокчининг қалбига шодлик бағишлади. Истиклол нури билан йўғрилган кечада ижро этилган озод юртимизни мадҳ этадиган ва улуглайдиган куй ва қўшиқлар маросимга ўзгача тароват ва файз бахш этди.
Хондамир СОЛИҲОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ислохотлар оқимида

«АСАКА» БАНК — ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ



“ASAKA” DAVLAT AKTSIYADORLIK TJOIROT BANKI (OAJ) AVTOTRANSPORT FILIALI

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида банк тизimini ислох қилиш бўйича олиб борилган ишлар чора-тадбирлар иқтисодий ривожда муҳим аҳамият касб этмоқда. Молия хизматлари бозорига ўз етакчи мавқеига эга «Асака» Давлат-акциядорлик тижорат банки (очик акциядорлик жамияти)нинг Автотранспорт филиали ҳам ўз ваколатлари доирасида мижозларга бора турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада омонатлар жалб қилиш ва бунинг ҳисобига кредитлар ажратиш каби хизматларни тақдим этиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган пул маблағларини иқтисодиётнинг муҳим ишлаб чиқариш соҳаларига самарали равишда йўналтириб, бу маблағларни омонатчилар ва акциядорларнинг мафсаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда.

Шунинг айтиш жоизки, «Асака» банк (ОАЖ) Автотранспорт филиали тармоғида 3 та мини банк, 3 та махсус касса, аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилувчи 14 та шохбеча мавжуд бўлиб, хизмат сифати ва маданиятини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатуви йирик саноят корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига намунали молиявий хизматлар кўрсатиш банк жамоасининг асосий мақсади.

Филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қўлайликлар яратиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида алоҳида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилди.

«Тадбиркорлар хонаси»да банкнинг юқори малакали мутахассисларидан иборат ходимлари кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга уларни қизқирган барча масалалар юзасидан тўлақонли тушунтиришлар бериб, мижозларнинг барча саволлари ва муаммоларини қисқа муддатларда ҳал қилмоқдалар. Мазкур хона кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фойдаланишлари учун барча зарурий техник воситалар, кўргазмали стендлар ва меъёрий ҳужжатлар билан жиҳозланган.

2011 йилнинг биринчи ярим йиллиги даврида филиал асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга, экспортбор ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга, техник ва технологик жиҳозларни модернизация қилишга йўналтирилган кредит сиёсатига қаратди.

Жорий йилнинг 1 август ҳолатига филиал томонидан тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 5 306,2 миллион сўм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1047-сонли Қарорига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун жами 6 738,1 миллион сўм миқдоридан ПҚ-1050-сонли Қарорига асосан ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 5

018,0 миллион сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди. Бу эса корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширибгина қолмай, аҳолининг арзон ва сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондиришда ҳам муҳим аҳамият этмоқда.

Йил бошидан шўртна ёш оилаларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, уй-жой қуриш ёки сотиб олиш, мебель жиҳозлари, узок муддат фойдаланиладиган ҳаётини зарур буюмлар харид қилиш учун 1 321,5 миллион сўм миқдоридан ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Умуман, хизмат маданиятини ошириш ҳисобига мижозлар сафи кенгайиб, уларнинг банкка бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юртими иқтисодиёти ривожиди ҳиссасини инобатга олган ҳолда кичик бизнес субъектларига ўтган 7 ой мобайнида 22 868,7 миллион сўм миқдоридан кредитлар ажратилиб, микромолиялаш борасидаги кредитлар сальмоси 206,7 миллион сўмни ташкил этди.

Пойтахтлик хотин-қизларимиз орасида ҳам тадбиркорликни йўлга қўйиб, турли соҳаларда хизмат кўрсатаётган, сифатли ва бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, қўшимча иш ўринлари яратишга ўз ҳиссаларини қўшаётганлар талайгина. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 1 265,6 миллион сўм миқдоридан кредит ажратилгани эътиборга моликдир.

2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан «Асака» банки томонидан мазкур соҳа вакиллари ўртасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги 2011 йилнинг энг яхши лойиҳаси бўйича танлов эълон қилинган эди. Танлов якунларига кўра Автотранспорт филиали мижозси «Сафо Тибиёт» МЧК лойиҳаси 3-ўринни қўлга киритганиги банк жамоасига янги шижоат ва кўтаринки руҳ бағишлади. Танлов ғолиблари имтиёзли шартларда кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Юртбошимизнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларидаги аҳоли омонатлари шўртларини либераллаштириш ҳамда кафолатлари-

ни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3968-сонли Фармонида асосан банклардаги омонатларга қўйилган аҳолининг бўш пул маблағлари ва олинадиган даромадлари барча турдаги солиқлардан озод этилганиги, маблағларни чекловларсиз тасарруф этиш ҳуқуқининг берилиши каби қўлай имконият ва имтиёزلарнинг яратилгани аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Мазкур фармон иқросини таъминлаш бора-сида «Асака» банкнинг Автотранспорт филиали томонидан ҳозирги кунда аҳоли эътиборига 80 та миллий ва хорижий валютадаги омонат турлари тақдим этилмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этилишини янада рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида миллий ва хорижий валютадаги 10 та янги омонат турлари жорий этилди. Жумладан, сақлаш муддати турлича ва фонд даромадлари юқори бўлган омонатлар сирасига «Тўхта», «Яши ният», «Истиқлол», «Баҳорги-1», «Сармоя», «Тадбиркор», «Даромади-1», «Самарали», «Хотира», «Файли-1», «Экстрим-2011» кабиларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари, филиал томонидан мижозларга берилган савдо терминларнинг қўлайлик тарафларидан бири, бу фаолият жойидан узоклашганда ҳоҳда телефон тармоғи орқали инкассация, яъни савдо қилинган маблағларни бандга ҳисоб варағига тўғридан-тўғри тушириш имконини берди. Бу эса мижозлар вақтини тежаш имкониятларини яратмоқда.

Халқаро пластик картчалар орқали амалга оширилган транзакциялар миқдори ҳам бир қанча ошиб, ўтказилган маблағлар миқдори 187 365,81 АҚШ долларини ташкил қилди. Шунингдек, филиалда аҳоли ва ҳўжалик юртувчи субъектларга банк маҳсулотлари ҳамда хизматларини кенг ва сифатли кўрсатиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Мижозларга масофадан ахборот хизматларини кўрсатиш соҳасидаги янги «SMS BANKING» ва «БАНК - МИЖОЗ» дастурий комплекси орқали хизматлар кенгайтириб берилмоқда.

Банкнинг мижозларига ҳозирги кун талабига жавоб берадиган банк хизмат турларидан бўлиши «Интернет Банкинг» тақлиф этилмоқда. Мазкур хизмат тури банк мижозига ўз уйдан чиқмаган ҳолда Интернет орқали бандга мавжуд бўлган ҳисоб рақамиданги пул маблағларини тасарруф этиш имконини беради.

Буларнинг барчаси хизматлар кўрсатишга мўлжалланган банк мижозлари, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, аҳоли бўш пул маблағини банк кассаларига жалб қилиш бўйича ишлари янада фаол давом эттириш банкнинг доимий диққат марказидаги вазифалардан бири бўлиб қолишига кафолатдир.

Шарифа ИЛЁСОВА

Фан

ГРАНТЛАР ДАСТУРИ

Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган «Биоорганик кимё» илмий-ўқув маркази ўзининг 20 йиллигини нишонлади.

Ўтган шу давр мобайнида марказ томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилди. Инновацион грантлар дастури бўйича амалга оширилган тадқиқотларда янги ҳил дори воситалари устида изланиш олиб борилди. Натижада қон тўхтатувчи ва аллергияга қарши «инербрин» препаратининг субстанцияси ҳамда дори шакли юзага келди.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР

Кейинги йилларда кўплаб йирик тадқиқотлар устида иш олиб борилди. Уларнинг аксарияти амалиётга татбиқ қилиниб, қутилган натижаларни берди.

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан ҳам қатор илмий ишларга ижобий баҳо берилди. Шу билан бирга фундаментал тадқиқотлар бўйича иккита устувор йўналишлар сифатида математика ва физика фанлари белгиланди.

Мазкур йўналишлар бўйича Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан ўндан ортиқ тадқиқотларга қўл урилди. Улардан 6 таси университетда, 5 таси филиалларида олиб борилди.

РАДИОТЕХНИКА АСОСЛАРИ

Техника ва алоқа олий ўқув юртларида «Радиотехника асослари»дан машғулотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда талабаларга билим беришда Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Радиотехника ва радиоалоқа» кафедраси томонидан орттирилаётган бой илмий тажрибалар қўл келмоқда.

Кафедра мудир Омонжон Абдузизовнинг самарали изланишлари натижаси ўларок «Радиотехника асослари», «Радиоузатиш қурилмалари» каби ўқув қўлланмалари босма юзини кўрди. Виртуал лаборатория ишларида ҳам бу ўқув адабиётларидан фойдаланилмоқда.

МАТЕМАТИК МОДЕЛ

Ўзбек тилининг математик моделини яратиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Миллий университетида махсус тайёрланган дастур компьютер лингвистикаси фани таълим тизими доирасида олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам долзарблиги билан ажралиб туради.

Олий ўқув юртида очилган «Компьютер лингвистикаси» кафедраси томонидан яратилган дунёвий ўзбек тили ёки феъл шакллари ва уларнинг рус ва инглиз тилидаги муқобиллари мавзусидаги ўқув қўлланмаси ҳам тилшуносликка қўшилган муҳим ҳисса бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Республика иқтисодшарҳ педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази маъмурияти ва жамоаси марказ илмий бўлим раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Орхан Серожитдинович Махмудовга уқаси

Эркин Серожитдинович МАХМУДОВнинг вафот этганиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳрида 2011-2012 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2011 йил 5 сентябрдан 29 сентябргача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда механик мустаҳкамлик ва зичликка (юқори босим) иссиқлик тармоқлари сийновлари ўтказилади. 2011 йил 10 ва 12 октябр кунлари қувурлардан фойдаланиш бўйича гидравлик хусусиятларини аниқлашга доир иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегаралаган ҳолда иссиқлик тармоқлари синовлари ўтказилади.

1-ИМ (М-1,4) 13 сентябр ва 22 сентябр кунлари — Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улугбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамараканон, Оққўрғон, Бодомзор йўли, И. Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент кўчалари, Тамараканон тор кўчаси, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 мавзелари, ТошГРЭС қўрғони, Ҳамид Олимжон майдони.

2-ИМ 6 сентябр куну — Мирзо Улугбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш. Бурҳонов, Р. Ҳамроев, Салом кўчалари, Қорасув -1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар қўрғони.

3-ИМ (М-1,4) 6 сентябр ва 29 сентябр кунлари — Бунёдкор шоҳ кўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, Шифокорлар, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий кўчалари, Чорсу, Қоратой, Олмазор, Бешёғоч, М-10,11,13,14,М-26,27,28,Б-1,Б-2,Б-3,Қорақамиш-2/1,2/2 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0,1) 19 сентябр куну — Амир Темур шоҳ кўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Н.Ҳасанов, Себзор, М.Шамсутдинов, Шимолий Ол-

мазор, Зулфияном, Шайхонтохур, А. Ҳидоят, Ҳамидханов, Баҳор кўчалари, Қорақамиш 1-кўчаси,М-1,5,6.

М-12,15, М-17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш-1/1,1/2, /3,1/4, 2/1,2/2,2/5 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8) 9 сентябр ва 21 сентябр кунлари — Амир Темур шоҳ кўчаси, Юнусобод-1-19 турар жой даҳалари, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч Қахрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари.

5-ИМ (М-0,4) 8 сентябр куну — Чилонзор турар жой мавзеси 5-12, М, Г9А, 16-20, 20А, 25, 26 даҳалари, Домбробод, Оқтепа, Қизил Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий 1,2 турар жой мавзелари, Заргарлик, Муқимий, Фарход, Чўпонота, Боғиёстон, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Новза-Қозиробод, Катта Хирмонтепа кўчалари.

6-ИМ 20 сентябр куну — Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлик, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлик-1-7, Қўйлик — Айланма йўли турар жой мавзелари.

7-ИМ 7 сентябр куну — Қорасув, Бешарик, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар, Оҳангарон шоссеси кўчалари, Тузел-1,2,3,4, УҚК-1, Слоним-1,2 турар жой мавзелари, «Авиакорувчилар» шаҳарчаси турар жой мавзелари.

8-ИМ 8 сентябр куну — Сергели 1-8А, Йўлдош-8,15,16,17, Дўстлик-1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, Меҳриғиё, А.Ахматова, Қипчоқ, Чилонзор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

9-ИМ 20 сентябр куну — Чилонзор турар жой мавзеси 13-15, 15А, 21-25,30,31 даҳалари, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Тақачи, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа кўчалари, Фозилтепа 2-тор кўчаси.

10-ИМ 14 сентябр куну — Фаробий, Беруний, Мухбир,

Мирзо Фолиб, Шифокорлар, Чимбой, Шифокорлар 2-кўчаси, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш-2/3,2/4, Тансиқбоев-1,2,3,4, Қамарнисо, ЎЗМУ-ТошДТУ, Олимпия, Абу али Ибн Сино -1,2, Белтепа микротуманлари.

ИЭМ (М-0) 12 сентябр куну — Навоий, Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғиёстон, Арнасий, Катта Чилонзор, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор турар жой мавзеси 1-5, Е, И, М-7 даҳалари.

ИЭМ (М-5,8) 15 сентябр куну — Амир Темур шоҳ кўчаси, Бобур, Глинка, Афросиёб, С.Толипов, Я.Фулмонов, Буюк Турон, Бухоро, Истиқлол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Зарафшон, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т. Шевченко, Нукус кўчалари, Қушбеги, Бошлик, Учувчилар шаҳарчаси, М-1, 2, 4, 5 турар жой мавзелари.

«Водник» қозонхонаси 7 сентябр куну — «Сувсоз» турар жой мавзеси таъсир доирасида, Хусайн Бойқаро кўчаси.

«ТТЗ» қозонхонаси 14 сентябр куну — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий мавзелари таъсир доирасида, Аҳиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Юзработ кўчалари.

«Саноатэнерго» қозонхонаси 5 сентябр куну — «Қурувчи» турар жой мавзеси.

Куйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ режали кузги тўхтатиш мўлжалланмоқда.
1-ИМ — «Шимолий-Шарқий» - 26 сентябрдан 30 сентябргача.
2-ИМ — «Қорасув» - 12 сентябрдан 16 сентябргача.
3-ИМ — «Фарбий» - 10 октябрдан 14 октябргача.
4-ИМ — «Шимолий» - 3 октябрдан 7 октябргача.
5-ИМ — «Чилонзор» - 12 сентябрдан 16 сентябргача.
6-ИМ — «Жанубий-Шарқий» - 3 октябрдан 7 октябргача.
7-ИМ — «Авиасозлар» - 19 сентябрдан 23 сентябргача.
8-ИМ — «Сергели» - 12 сентябрдан 16 сентябргача.
«Водник» қозонхонаси - 10 октябрдан 14 октябргача.
«ТТЗ» - 19 сентябрдан 23 сентябргача.
«Саноатэнерго» ТошиЭМ - 26 сентябрдан 30 сентябргача.
19 сентябрдан 23 сентябргача.

Тўхташ даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишлари таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

